

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2023 йил ноябрь ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича Бўзатов туман суди, онлайн очиқ суд мажлиси жиноят ишлари бўйича Бўзатов туман суди биносида, суд раиси З.Байымбетованинг раислигида, судья ёрдамчиси Л.Абилбаеванинг котибалигида, Бўзатов туман прокурори ёрдамчиси Е.Балтаниязовнинг иштирокида, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси-адвокат ХХХларнинг иштирокида, ХХХга нисбатан тўпланган 1-2316-2301/97 (352333/2023-12ЙВ)-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХ (ХХХ) 1961 йил 27 мартда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноий жавобгарликка тортилмаган ва судланмаган, ҳозирги кунда ХХХ тумани “Ирригация” бўлимида техник ходим лавозимида ишлайди, нафақада, ХХХ тумани “ХХХ” МФЙда истиқомат қилади, 2023 йил 23 августдан “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 27 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафлар музокараларини ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи ХХХ фирибгарлик яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали моддий бойлик орттириш мақсадида одамларнинг соддалигидан фойдаланиб, 2023 йил 20 май куни соат 18:00лар атрофида ХХХ тумани “ХХХ” МФЙ, ХХХ кўчаси бўйида ХХХ тумани “Кўна ХХХ” ОФЙда яшовчи фуқаро ХХХ билан учрашиб, унга ўзини гўёки ишбилармон сифатида намойиш этиб, ХХХ тумани “ХХХ” МФЙ, Ойбек кўчасида жойлашган жами 2 та хар бири 600,0 кв/метр ер майдонини турар жой қуриш учун сотишини айтиб, ўзининг ёлғонлари ишонарли чиқиши учун аслида мавжуд бўлмаган ва қалбаки уй жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни кўрсатиб, унинг ишончига алдов йўли орқали кириб, ХХХнинг кўп миқдордаги 6 минг АҚШ доллари (2023 йил 01 май кунги ҳолати бўйича 1 АҚШ долларининг Ўзбекистон сўмига нисбатан қиймати 11.408 сўм 01 тийин) яъни 68.448.060 (олтмиш саккиз миллион тўрт юз қирқ саккиз минг олтмиш)сўм ва 92 млн сўм умумий ҳисобда 160.448.060 (бир юз олтмиш миллион тўрт юз қирқ саккиз минг олтмиш) сўм миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли орқали талон-тарож қилиб, қўлга киритган вақтида ХМҚО ходимлари томонидан ушланиб,



холислар иштирокида тегишли тартибда 6 минг АҚШ доллари ва 92 млн сўм пуллар далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олинганлиги сабабли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноий ҳаракатини охирига етказа олмаган.

Шундай қилиб, ХХХ ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир қилган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида, айбига иқдор бўлмасдан, ўзлари қишлоқда яшашини, невараларининг шаҳарда ўқиши учун уйда икки келини ХХХ ва ХХХлар ер ўрнини олиш ҳақида ариза ёзиб берганлигини ва ўзи ушбу аризаларни туман ҳокимлиги девонхонасига топширганлигини, аммо ўзи ёки келинлари ушбу ер ўрнини ажратиш бўйича аукционга ёки туман комиссиясида иштирок этмаганлигини, сўнг орадан бир қанча вақт ўтиб, икки келини ХХХ ва ХХХлар номига туман ҳокими томонидан чиқарилган қарорларни туман ҳокимлиги девонхонасидан яъни ХХХдан олганлигини, ва ХХХнинг айтиши бўйича тўловларни тўлаб қвитанцияларини унга берганлигини, қанша миқдорда пул тўлаганлиги эсида йўқ эканлигини, сўнг ўзининг мазаси бўлмай, саломатликни тиклаш учун пўл зарурлиги сабабли иккити ер урнини сотмақчи бўлганлигини, 2023 йил 18 май куни мижоз ўзини чақириб ер майдонини сотиб олишини айтганлигини ва ўзлари юзма-юз учрашгандигини, ҳақиқатда ер майдони хужжатлари икки папкага тикилганлигини, биринчиси ХХХга тегишли иккинчиси ХХХларга тегишли эканлигини, иккаласи ҳам ўзининг келинлари эканлигини, ХХХ ўзига пулларни олиб келиб қунғироқлашамиз деб айтганлигини, сўнг орадан вақт ўтиб ХХХ билан келишилган жойга борганлигини, ерни олди-сотдисини келишиб бўлиб автомашинада ХХХ ва ХХХлар пўлларни санаётган вақтида ХХХ тумани Департаменти ва ДХХ ходимлари деб танишитирган одамлар келиб қолганлигини, ўзи ким билан ўчрашганлигини ҳам билмай қолганлигини, сабаби мазаси бўлмай, саломатликни тиклаш учун даволаниб юрганлигини, кейин ўзини ХХХ туман департаментига олиб кетганлигини, шу ердаги йигит ўзидан порошок излари чиқмаганлигини айтганлигини, кейин терговчининг ёзган хужжатларида қўлларидан чиққанлиги кўрсатилганлигини, лекин ўзи пулларни олмаганманлигини, кўрмаганманлигини, пулларнинг қандай купюрада эканлигини ҳам билмаслигини, терговчининг 59 дона 100 АҚШ доллар, қолгани миллий сўм валютада деб ёзганлигини, қоғоздаги ёзувни ўқий олмаганлигини, тергов даврида ўзининг ҳимоячиси ва терговчи айбингизни тан олинг, суддан енгиллик сўранг ёрдам қиламиз деганлиги сабабли тергов даврида айбига тўлиқ иқдор булганлигини, аммо бу ишда ўзининг умуман айби йўқ эканлигини айтиб, ўзига нисбатан оқлов ҳукм чиқаришни ва қонун доирасида енгиллик беришни сўраб берган кўрсатмаси билан;

ХХХ айбига иқдор бўлмастан кўрсатув берган бўлса да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан



-гувоҳ XXX ўзи тадбиркорлик билан шуғулланишини, “Гўзаллик салони” бор эканлигини, XXXнинг қизи ўзининг клиенти эканлигини, XXXнинг қизи ўзига сотиладиган ер ўрни бор эканлигини айтганлигини, 2023 йил 18 май куни салонига XXX келганлигини, ў гаплашиб ўтирганида ўзининг XXX туманидан уй сотиб олмоқчилигини айтганлигини, шу вақтда XXXнинг ер ўрнини сотмоқчи бўлиб юрганлиги эсига тушиб, XXXга айтганлигини, кейин XXX бўлса ўзидан XXX билан гаплашиб беришни сўраганлигини, ўзи XXX билан гаплашганида ер ўрнини 14 минг АҚШ долларига сотишини айтганлигини, кейин келишиб пулларни эртаси куни олиб келиб берадиган бўлганлигини, эртаси куни яъни 2023 йил 20 май куни соат 18:00лар чамасида Гўзаллик салонида ишлаб турган вақтида XXX телефон қилиб, пулларни олиб келаётганлигини айтиб, ўзи билан боришни илтимос қилганлигини, ўзи рози бўлиб жой ўрнига борганидан сўнг XXX пулларни кўрсатиб ўзига берганлигини, ўзи XXXга кетиши кераклигини айтганида XXX пулларни санашга ёрдам беришини сўраганлигини, ўзи “шунча пулларни қачон санаб бўламиз уларни бошқа жойга бориб пул машинкасида санаш” ҳақида айтганида, XXX билан XXX “санаб олавер, тезда бўламиз” деб айтганлиги учун пулларни санашда ёрдам бермоқчи бўлиб, машинада санаб бошлаганида ёнларига ўзларини департамент ва ДХХ ходимлари деб таништириб тезкор тадбир бўлаётганлигини айтганлигини ва тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги ҳақидаги кўрсатмаси билан;

-гувоҳ XXXнинг 2023 йил 18 май куни XXX туманига ер кўриш учун борганлигини лекин кўрган ерлари шаҳардан узоқда бўлганлиги сабабли ўзига ёқмаганлигини, ёмғир ёғиб тўрганлиги сабабли сочлари ҳул бўлиб қолганлиги, шу сабабли сочларини ювиб қуритиш учун бозор ёнидаги салонга кирганлигини, у ерда гаплашиб ўтириб ўзининг ер майдонини олмоқчи бўлиб юрганини айтганида, салондаги XXX ер майдони бор эканлигини айтиб қолганлигини ва ўзи унга бор бўлса бориб кўрайлик деб айтганлигини, XXX рози бўлиб салондан чиқиб ер майдонини бориб кўрганида шаҳарга яқин жойда эканлигини, ўзига мақул келганлигини, баҳосини сўраганида иккита ер майдони бор эканлигини ҳар бирини 7.000 АҚШ доллари эканлигини, ҳаммасини олса 14.000 АҚШ доллар бўлишини айтганлигини, ўзи рози бўлганлигини, кейин XXX билан гаплашганида ўзига 12 сотих ер майдонини кўпайтириб 24 сотих қилиб бериши мумкинлигини айтиб эвазига 14.000 АҚШ доллар пул сўраганлигини, ўзи шунда бу ҳолат ноқонуний эканлигини билиб, бу ҳақида ариза билан мурожаат қилганлиги ҳақидаги кўрсатмаси билан;

-гувоҳ XXXнинг 2023 йил 20 май куни соат 18:00лар атрофида қайнотаси XXX Бўстон шаҳрида ер борлигини ўни кимгадур сотишини айтиб ўзи билан боришини сўраганлигини, ўзи рози бўлиб иккаласи Бўстон шаҳрига бориб бозор ёнидаги салоннинг олдида тўхтаганлигини у ерда икки аёл киши турганлигини, кейин улар ўз-аро келишиб ерни сотадиган болганлигини, сўнг сотиладиган ер ўрнига борганлигини, шу



ерда ХХХ ўзига пул санашиб юбор деганлари учун машинанинг олдинги томонида ўтириб энди пулни санамоқчи бўлганида ДХХ ходимлари келиб қолганлиги ҳақидаги кўрсатмаси билан;

-гувоҳ ХХХнинг 2023 йил 20 май куни тушлиқдан сўнг нотаниш шахслар келиб, ўзларининг хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, Департамент ходимлари деб таништириб, бир ҳолат юзасидан холис бўлиб беришни илтимос қилганлигини, ўзи рози бўлиб, тезкор гуруҳ вакиллари билан бирга ХХХ ХХХ тумани ХХХ деҳқон бозори ёнида “Laylo Baronessa” гўзаллик салонига келганлигини ва ХХХ ишқарига кириб кетганлигини, ХХХ орадан 30-35-дақиқалар ўтгандан кейин салоннинг ёнидаги ёши тахминан 30-35 ёшлардаги қиз билан чиқиб ХХХ миниб келган автомашинага ўтириб Халқлар дўстлиги кўчаси бўйлаб шарққа қараб кетганлигини ортидан тезкор ходимлар билан биргаликда кўзатувга олинганлигини, орадан 3-5 дақиқа ўтгандан сўнг шу ерга оқ рангли “Кобальт” автомашинаси келиб тўхтаб ундан икки эркак киши тушиб ХХХнинг ёнига борганлигини, кейин орадан 5-10 дақиқа ўтгандан кейин икки киши ўзлари миниб келган оқ рангли “Кобальт” овтомашинасидан бир нарсалар олиб ХХХнинг ёнига борганлигини, орадан 2-5 дақиқа ўтгандан кейин ХХХ “ХХХ” исимли шахсга пулларни берганидан сўнг тезкор ходимлар билан бирга воқеа жойига борганида, машинада аёл ва эркак киши бор эканлигини тезкор ходимлар ушбу аёл ва эркак кишиларга хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништириб ва ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилиб, агар пул олган бўлса ихтиёрий равишда тақдим қилиши тушунтирилганида, пуллар ХХХ ўтирган автомашинанинг орқа ўриндиғи устида эканлиги аниқланганлигини ҳамда ушбу пуллар холислар иштирокида санаб кўрилиб, қора рангли целлафон пакетга солиниб муҳрланганлигини, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги ҳақидаги кўрсатмаси билан;

-гувоҳ ХХХнинг қайнотаси ХХХга уйда ХХХ тумани ҳокими номига ХХХ тумани Бўстон шаҳридан ер олиб беришни сўраб, ариза ёзиб берганлигини, сабаби болалари қишлоқда ўқишини, ўзи ер ўрнини олиш бўйича ҳеч қанақа туман комиссиясига ёки аукционга қатнашмаганлигини, ер ўрни бўйича бошқа ҳеч нима билмаслиги ҳақидаги кўрсатмаси билан;

-гувоҳ ХХХнинг ўзи ушбу жиноят ишининг дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борганлигини, ХХХнинг ҳаракатларида ЖКнинг 168-моддаси ҳамда 228-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноят аломатлари бўлганлиги сабабли, тегишли тартибда айб кўйилганлигини, аслида 963/10-сонли қарор озиқ-овқат тўғрисида чиққан қарор эканлигини, бу бўйича ҳозир тергов тўхтатилиб турганлигини, кимдир ақиллилик қилиб 963/10-сонли қарорга «а» деб қўшганлигини лекин иловаларида «а» йўқ эканлигини, аслида бу қарор 963/10-сонли қарор бўлиб, Ҳокимнинг 963/10-сонли қарори 1000лаб чиққанлигини, ҳозирда 963/10-сонли қарор бўйича судга юборилган ҳамда терговда тўхтатилиб



турган жиноят ишлари мавжуд эканлигини, далил сифатида 963/10-сонли бошқада қарорларнинг кўплигини кўрсатиб бера олишини, ҳозирда кунда ХХХ туман Ҳокимининг 963/10-сонли қарори бўйича жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлигини ҳақидаги кўрсатмаси билан;

-гувоҳ ХХХнинг ўзи 2022 йилга қадар ХХХ туман Ҳокимлигида девонхонада ишлаганлигини, ўзининг хизмат вазифасига ҳокимликга келиб тушган аризаларни қабул қилиш ва журналга рўйхатга олиш киришини, 2022-йил ойи санаси эсида йўқ эканлигини, Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси ходими ким эканлигини аниқ билмаслигини, шу куни селектор тамом бўлганидан сўнг, группа келиб видео тасвирга олиб Ҳокимликдаги ҳамма ҳужжатларни олиб кетганлигини, сўнг 2022 йил ҳужжатларни олиб кетинг деган топшириқ бўлганлигини, прокуратурага бориб ишчи гуруҳ билан далолатнома тузиб туман ҳокими қарорларини олганлигини, лекин 2018-2020 йиллардаги регистрация журналлар, реестрлар қайтариб берилмаганлигини, сўнг ўзининг соғлиғига боғлиқ ишдан бушаганлигини, фуқаро ХХХнинг ер ўрнини олиш тўғрисида ариза берганлиги ва туман ҳокими қарорларини олганлиги эсида йўқ эканлигини, ўзи тўлов бўйича ҳеч кимга квитанция бермаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ ХХХнинг ХХХ туман Архитектура бўлимида ишлашишини, ер ўрнини ажратиш бўйича туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 272-сонли қарорининг 11,12,14-бандларига асос, туман доимий комиссиясида ариза кўриб чиқилганидан сўнг комиссиянинг хулосасига асосан қарор чиқариш ваколати бор бўлганлигини, ҳозир 272-сонли қарори бекор бўлганлигини, қарор чиқарилганидан сўнг архитектура кўрилиш бўлимига белгилаб бериш ва қурилишни назорат қилиш юклатилишини, қарорни олганидан сўнг фуқаро Архитектура бўлимига мурожат қилишини, бўлим томонидан ерни белгилаб берилишини ва кўрилишни назорат қилишини, лекин бўлимга ҳеч қанақа тўлов тўланмаслиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ ХХХнинг 2018 йилларда фуқароларга ер ўрнини ажратиб бериш юзасидан бир қарорда 50 та бўлиши мумкин ёки ундан да кўп, қарор бир чиқишини, қарорнинг 963/10 дегани бунда 10 ой яъни октябрь ойи эканлигини, 2018 йили ер бериш тартиби 272-сонли қарор асосида бўлганлигини, 2021 йилгача ҳокимнинг ваколати бўлганлигини, шу вақтларда кадастрга қандайда бир тўламлар бўлмаганлигини, 272-сонли қарор бўйича ер бериш тартибида ҳафтада бир кун комиссия таркиби йиғилишини, сўнг баённама ёзилганлигини, бунда аризачи қатнашиши шарт, агар аризачи келмай қолган вазиятда бошқа кунга қолдирилатуғинлигини, баённамадан аризачига нусха берилатуғинлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ ХХХнинг Ер урнига қозиқ қоқилгандан сўнг, берилган квадрат метрдан ташкарига чиқмаслик кераклигини, Ҳокимнинг қарори



чиқгандан сўнг қарорда юклатилган ишларни бажаришини, ер урнини захирага Ер кодексига асосан Хокимиятнинг ўзи қайтариб олиши керак, ўзларининг ваколоти йўқлигини, захирада тўрибди деб беришга кадастрнинг ваколоти борлигини, сабаби, Ер баланси кадастрда, Хокимнинг қарори чиқганидан сўнг архитектурага вазифа юклатилишини, кадастрга рўйхатдан ўтказиш юклатилишини. ўзи комиссия таркибида иштирок этганлигини, ўзи иштирок этган вақтида фуқаро қатнашган вақтда, фуқарога эртага 10 кундан кадастрдан рўйхатдан ўтказ бўлмаса сендан ер олиниб қолади деб қарор олган жойидан тушинтириши ҳақидаги кўрсатуви билан;

- гувоҳ ХХХнинг ХХХнинг келинларининг номига иккита хоким қарори чиқганлигини, иш бўйича жавоб хати берилганлигини, жавоб хатда ушбу қарорни прокуратурага олинган деб кўрсатилганлигини, жиноят ишида реестрлар ва 963/10а-сонли қарорлар бор эканлигини, булар ХХХ туман Департаменти томонидан олинганлигини, 2 варақдан иборат бўлган РЕЕСТРдан ўзининг хабари йўқлигини. Ўзи ишни 2022 йил 15-18-декабрь ойидан бошлаганини, 963/10-сонли қарорини аслида ўзи кўрмаганини, қарор ости ҳужжатлар қарор билан бирга тикилиб бирга сақланиши ҳақидаги кўрсатуви билан;

шунингдек, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган терговга қадар текширув ҳужжатлари, яъни ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фото иловаси, юзлаштириш баённомаси, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, суд кимёвий экспертиза хулосаси ва стенограмма баённомалари, ёзма далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Судланувчи ХХХнинг суд мажлисида ўзи ер ўрнини қонуний олганлигини, қалбаки эмаслигини, ўзининг мазаси бўлмай, саломатликни тиклаш учун пўл зарурлиги сабабли иккити ер урнини сотмақчи бўлганлигини, 2023 йил 18 май куни мижоз ўзини чақириб ер майдонини сотиб олишини айтганлигини ва ўзлари юзма-юз учрашгандигини, ҳақиқатда ер майдони ҳужжатлари икки папкага тикилганлигини, биринчиси ХХХга тегишли иккинчиси ХХХларга тегишли эканлигини, иккаласи ҳам ўзининг келинлари эканлигини, тергов даврида ўзининг ҳимоячиси ва терговчи айбингизни тан олинг, суддан енгиллик сўранг ёрдам қиламиз деганлиги сабабли тергов даврида айбига тўлиқ иқроп булганлигини, аммо бу ишда ўзининг умуман айби йўқ эканлиги тўғрисида келтирган важлари суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳлар ХХХ, ХХХ, ХХХларнинг кўрсатувлари билан тўлиқ бекорланади. Сабаби судда аниқланган ҳолатларга кўра, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ М.Садуллаевнинг кўрсатмаси бўйича 2023 йил 18 май куни ХХХ билан ер майдонини бориб кўрганида шаҳарга яқин жойда эканлигини, ўзига мақул келганлигини, баҳосини сўраганида иккита ер майдони бор эканлигини ҳар бирини 7.000 АҚШ доллари эканлигини, ҳаммасини олса 14.000 АҚШ доллар бўлишини айтганлигини, ўзи рози бўлганлигини, кейин ХХХ билан



гаплашганида ўзига 12 сотих ер майдонини кўпайтириб 24 сотих қилиб бериши мумкинлигини айтиб эвазига 14.000 АҚШ доллар пул сўраганлигини, ўзи шунда бу ҳолат ноқонуний эканлигини билиб, бу ҳақида ариза билан мурожаат қилганлигини, гувоҳлар ХХХ, ХХХларнинг кўрсатувлари бўйича қайнотаси ХХХга уйда ХХХ тумани ҳокими номига ХХХ тумани Бўстон шаҳридан ер олиб беришни сўраб, ариза ёзиб берганлигини, сабаби болалари қишлоқда ўқишини, ўзи ер ўрнини олиш бўйича ҳеч қанақа туман комиссиясига ёки аукционга қатнашмаганлигини, ер ўрни бўйича бошқа ҳеч нима билмаслигини. Мазкур баён қилинган ҳолатлар ва бошқа да тўпланган далиллар мажмуий билан судланувчи ХХХнинг ер ўрнини қонуний олганлигини, қалбаки эмаслигини, алдаб пул олмақчи эмаслиги ҳақидаги важлари тўлиқ бекор қилинади.

Шу билан бирга, судланувчи ХХХнинг ер ўрнини қонуний олганлигини, қалбаки эмаслигини, алдаб пул олмақчи эмаслиги ҳақидаги важлари ҳақийқатга тўғри келмайди, сабаби иш бўйича унинг бу жиноятни содир қилганлигини бекорловчи бирон-бир далил мавжуд эмас.

Шу сабабли, суд, судланувчи ХХХнинг ер ўрнини қонуний олганлигини, қалбаки эмаслигини, алдаб пул олмақчи эмаслиги ҳақидаги важлари унинг жиноий жавобгарликдан қутилиш мақсадида бераётган ёлғон курсатувлари деб ҳисоблаб, унинг бу курсатувларини эътиборга олмасликни лозим топади.

Суд, шунингдек, судланувчининг ҳимоячи адвокати ХХХнинг ўзининг ҳимоясидаги ХХХнинг айбидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини чиқариб ташлашни, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида курсатилган жиноятни содир қилмаганлиги учун, ЖПКнинг 83-моддасини қўллаб оқлашни ҳамда ер уринларининг ҳужжатларини қайтариб бериш ҳақидаги фикрлари билан қисман келишиб бўлмайди, сабаби ХХХнинг келинлари ХХХ ва ХХХлар ер олишда комиссияга қатнаши шарт бўлишига қарамай қатнашмаган, бунга кўра ер ҳужжатлари ноқонуний яъни қалбаки ҳисобланиши, шу билан бирга судланувчи ХХХ ушбу қалбаки ҳужжатлар орқали ер майдонини алдов йўли билан сотмоқчи бўлганлиги суд мажлисида суроқ қилинган гувоҳларнинг курсатувлари билан тасдиқлангани эътиборга олиб, судланувчининг ҳимоячи адвокати ХХХнинг фикрлари билан қисман келишиб бўлмайди деб топади.

Юқоридагиларга кўра, суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг фойдаланувчига муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиб жиноятини содир қилганликдаги ҳамда судланувчи ХХХнинг кўп миқдорда алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали ўзганинг мулкини ёки мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиб фирибгарлик жиноятини содир қилганликдаги жиноий қилмишларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суистеъмом қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси иккинчи хатбошида, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак деб белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги ҳақидаги талаблари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 16-бандида ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги, фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама - қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши тўғрисида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан ХХХнинг фуқаро ХХХнинг ишончига қириб, кўп миқдордаги мулкни ҳуқуқни қўлга киритишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, сабаби Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 7-бандида



“Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.” деб кўрсатилган, дастлабки тергов ва суд тергови давомида ХХХ фуқаро ХХХни алдаб, ХХХ тумани “ХХХ” МФЙ, Ойбек кўчасида жойлашган жами 2 та хар бири 600,0 кв/метр ер майдонини турар жой қуриш учун сотишини айтиб, ўзининг ёлғонлари ишонарли чиқиши учун аслида мавжуд бўлмаган ва қалбаки уй жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни кўрсатиб, унинг ишончига алдов йўли орқали кириб, ХХХнинг кўп миқдордаги 6 минг АҚШ доллари яъни 68.448.060 сўм ва 92 млн сўм умумий ҳисобда 160.448.060 сўм миқдоридаги пулларини фирибгарлик йўли орқали талон-тарож қилиб, қўлга киритган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олиниб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, пуллар олиб қўйилганлигини, бу ҳолатда эгаллашга қаратилган мулк, яъни пуллар ХХХнинг эгалигига ўтган бўлсада у ушбу пулларни тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлмаган, шу сабабли судланувчининг ҳаракатларини ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Шунингдек, суд, дастлабки тергов органи томонидан ХХХ ўзининг юқоридаги фирибгарлик билан боғлиқ ғайри қонуний ҳаракатларини амалга ошираётганида ўзининг ёлғонлари ишонарли чиқиши учун аслида мавжуд бўлмаган келинлари ХХХ ва ХХХларнинг номига ХХХ тумани ХХХ кўчасидан 600,0 м.кв бўлган ер майдонини турар жой қурилиши учун ажратиб берилганлиги ҳақидаги ХХХ туман хокимининг 2018 йил 31 октябрь кунги №963/10 сонли қалбаки қарори ва кадастр ҳужжатларини мазкур иш бўйича ариза муаллифи ХХХга бериб, фойдаланувчига муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятни қасдан содир қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, сабаби Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 21-бандида “... Бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади ва ЖК 228-моддаси учинчи қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган бўлади.” деб кўрсатилган, дастлабки тергов ва суд тергови давомида ХХХнинг юқоридаги фирибгарлик билан боғлиқ ғайри қонуний ҳаракатларини амалга ошираётганида ўзининг ёлғонлари ишонарли чиқиши учун аслида мавжуд бўлмаган келинлари ХХХ ва ХХХларнинг номига ХХХ тумани ХХХ кўчасидан 600,0 м.кв бўлган ер майдонини турар



жой қурилиши учун ажратиб берилганлиги ҳақидаги ХХХ туман хокимининг 2018 йил 31 октябрь кунги №963/10 сонли қалбаки қарори ва кадастр ҳужжатларини мазкур иш бўйича ариза муаллифи ХХХга бериб, фойдаланувчига муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб, ХХХ томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган, шу сабабли судланувчининг ҳаракатларини ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги сабабли айбидан чиқаришни лозим топади.

Шунинг билан, суд, судланувчи ХХХни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топишни ва ушбу моддалар билан жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 2-хатбошисида “Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”лиги, 4-хатбошисида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарорининг 6-бандида, Судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя қилиб, судланувчининг шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини танлашда:

Шунингдек Пленум қарорида, “Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга - маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади” деб берилган тушунтиришларига амал қилиб:

ХХХнинг муқаддам жинойий жавобгарликка тортилмаганлигини ва судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни тараз ва паст ниятда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, баҳолаб, ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга



нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги белгиланган қоидасига ҳамда ЖКнинг 58-моддаси талабига амал қилиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, кекса ёшда яъни 62 ёшда эканлигини, айбини тўла иқрор бўлиб, қилган ичидан қаттиқ пушаймон эканлигини, оилали 5 нафар фарзандлари борлигини, ушбу юқоридаги ҳолатлар у томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, ЖКнинг 57-моддасини тадбиқ этиб, ЖКнинг 25, 168-моддаси 3-қисми “а” банди санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни ва давлат фойдасига ундиришни;

XXXга нисбатан қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилиниб, вақтинча сақловга Қорақалпоғистон Республикаси ИИВнинг Молия ва моддий техник таъминоти бўлими депозит ҳисоб рақамида топширилган 10.000.000 (ўн миллион) сўм гаров пуллари тегишлигича эгасига яъни судланувчи XXXга қайтариб беришни лозим топади.

Суд, судланувчига жарима жазосининг миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006-йилги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 16-бандидаги «Судлар шуни назарда тутишлари керакки, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ҳам кўрсатилиши лозим. Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инobatга олиниши лозим.» деган талабларини бошчиликга олади. Яъни, судланувчи томонидан содир қилган жиноятнинг тамом бўлган вақти 20.05.2023 йилга қадар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.03.2023-йилги ПФ-45-сонли фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 01.05.2023-йилдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўм деб белгиланган бўлиб, шу миқдордан жарима сўммасини ҳисоблашни лозим тобди.

Суд, ашёвий далил деб топилган тадбир учун ишлатилган пахта бўлаклари, махсус қалам тегишли тартибда йўқ қилишни;



CD ва DVD дисклар, XXX ва XXXларнинг номига XXX тумани “Истқлол” МФЙ, Ойбек кўчасидан 600,0 кв/м ер ўрни ажратиш ҳақидаги XXX тумани ҳокимнинг 2018 йил 31 октябрь кунги 963/10-сонли қалбаки қарори ва унга асосан ишланган кадастр ҳужжатларитегишли тартибда иш билан бирга сақлашни;

тезкор тадбирда фойдаланилган 92.000.000 сўм ва 5.990 АҚШ доллар пул маблағини тергов даврида ИЖҚК департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига қайтарилганлиги ва ишга қўшилган 10 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар тегишли тартибда ИЖҚК департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига қайтариб беришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 462-463, 465-468, 471-474, 476-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

XXX(XXX) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари, яъни 33 000 000 (ўттиз уч миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

XXXга нисбатан қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилиниб, вақтинча сақловга Қорақалпоғистон Республикаси ИИВнинг Молия ва моддий техник таъминоти бўлими депозит ҳисоб рақамида топширилган 10.000.000 (ўн миллион) сўм гаров пуллари тегишлигича эгасига яъни судланувчи XXXга қайтариб берилсин.

Ашъвий далил деб топилган тадбир учун ишлатилган пахта бўлаклари, махсус қалам тегишли тартибда йўқ қилинсин.

CD ва DVD дисклар, XXX ва XXXларнинг номига XXX тумани “Истқлол” МФЙ, Ойбек кўчасидан 600,0 кв/м ер ўрни ажратиш ҳақидаги XXX тумани ҳокимнинг 2018 йил 31 октябрь кунги 963/10-сонли қалбаки қарори ва унга асосан ишланган кадастр ҳужжатлари тегишли тартибда иш билан бирга сақлансин.

Тезкор тадбирда фойдаланилган 92.000.000 сўм ва 5.990 АҚШ доллар пул маблағини тергов даврида ИЖҚК департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига қайтарилганлиги ва ишга қўшилган 10 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар тегишли тартибда ИЖҚК департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига қайтариб берилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор қисми билан, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини



олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

З.Байымбетова

